

ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ЯНАДА ОРТАДИ

Жорий йилнинг 24 июль куни вазирликда “Давлат органлари ва ташкилотларини коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолашдан ўтказиш тартиби ва асослари” мавзусида амалий ўқув-семинари ўтказилди. Онлайн тарзда ташкил этилган семинарда вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг коррупцияга қарши курашиш, молия-иқтисод масалалари, инсон ресурсларини бошқариш ҳамда матбуот хизмати масъул ходимлари иштирок этди.



Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилган.



Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлиги рейтинги Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг “e-antikor.uz” электрон платформаси орқали амалга оширилади. Платформага тегишли маълумотлар 5 та йўналиш бўйича белгиланган 29 та индикатор асосида киритилади. Қарорга мувофиқ вазирлик марказий аппарати, Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги ҳамда Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси рейтинг баҳолашдан ўтказилади.



Семинар иштирокчиларига, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижаларини яхшилаш, шунингдек, масъул ходимларга рейтинг баҳолаш, шу жумладан электрон платформадан фойдаланиш тартиблари тушунтирилди.



Ахборот хизмати